

СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ: КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ВА САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a51

Назаров Суннатулла Амириллоевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида амал қилиб келинаётган солиқ текширувларининг 2 та тури, яъни камерал ва сайёр солиқ текширувлари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, ушбу солиқ текширувларининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар қарашлари, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илмий-амалий аҳамияти ўрганилган.

Калит сўзлар: камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити, солиқ назорати, солиқ мониторинги.

НАЛОГОВЫЕ ПРОВЕРКИ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КАМЕРАЛЬНОЙ НАЛОГОВОЙ ПРОВЕРКИ И ВЫЕЗДНОЙ НАЛОГОВОЙ ПРОВЕРКИ

Назаров Суннатулла Амириллоевич -

Независимый научный сотрудник
научно-исследовательского центра
«Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана» при Ташкентском
государственном экономическом университете

Аннотация. В статье проведено исследование 2-х видов налоговых проверок, практикуемых в Республике Узбекистан, то есть камеральная и выездная налоговые проверки, а также изучены теоретические аспекты данных налоговых проверок. Зарубежные и отечественные экономисты изучили научную и практическую значимость действующих нормативно-правовых документов.

Ключевые слова: камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговая проверка, налоговый контроль, налоговый мониторинг.

TAX AUDITS: THEORETICAL FOUNDATIONS OF CAMERA TAX AUDITS AND TRAVELING TAX AUDITS

Nazarov Sunnatulla Amirilloevich -

Independent researcher of the research center
"Scientific bases and problems of the development of
the economy of Uzbekistan" under the
Tashkent State University of Economics

Abstract. In the article, research was conducted on 2 types of tax audits practiced in the Republic of Uzbekistan, that is, camera and mobile tax audits, and the theoretical aspects of these tax audits were studied. Foreign and domestic economists have studied the scientific and practical significance of existing regulatory and legal documents.

Key words: camera tax audit, mobile tax audit, tax audit, tax control, tax monitoring.

Кириш. Солиқ назорати солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш, қўшимча солиқлар, жарималар ва пенялар шаклида бюджетга қўшимча тўловларни ундириш имконини берувчи ҳамда бу орқали солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ёки минималлаштиришни таъминлайдиган турли рақамли ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллашга асосланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 136-моддасида солиқ назо-

ратини солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 137-моддасида солиқ текширувларининг қуйидаги турлари келтириб ўтилган:

- 1) камерал солиқ текширувлари;
- 2) сайёр солиқ текширувлари;
- 3) солиқ аудити [1].

Мамлакатимиз солиқ маъмурчилигида жорий этилган бу янги йўналишлар бўйича хорижий мамлакатларни ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини амалиётга жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларининг турлари ҳисобланмиш камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текширувининг назарий жиҳатларини кўриб чиқиб, бу текширув турларининг моҳиятини кенгроқ тушунишга ҳаракат қилсак.

Мавзуга оид кўплаб иқтисодчи олим ва мутахассислар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Аввало, “камерал” тушунчаси турли манбаларда турлича маънода келтирилган. Жумладан, камерал XVIII аср охири XIX аср бошларида Германияда “давлат мулкидан олинадиган даромадларни назорат қилиш, бошқариш, кўздан кечириш юзасидан жамланган билимлар йиғиндисидир” дея эътироф этилган [2].

Камерал текшируви («камерал»дан идорада, лабораторияда ишлаб чиқарилган) – давлат ёки шаҳар ҳокимияти томонидан текширилаётган шахснинг олдига бормасдан, ўзларида мавжуд бўлган ҳужжатларга асосан амалга ошириладиган қонунчиликка мувофиқлигини текшириш. У юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳужжатли текшириш деб ҳам аталади [3].

Камерал солиқ текшируви солиқ декларацияси ва солиқ тўловчи мустақил равишда солиқ органига тақдим этган ҳужжатлар, шунингдек, солиқ органида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текширишдир [4].

И.А.Майбуrow ва бошқаларнинг фикрига кўра, камерал солиқ текширувининг мақсади солиқлар ва йиғимлар ҳақидаги қонунчиликка солиқ тўловчилар томонидан риоя қилиниши устидан назорат, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, солиқ текширувини ўтказиш мақсадида солиқ тўловчиларни самарали танлашни таъминлаш учун зарур ахборотларни йиғиш ва тайёрлаш ҳисобланади [5].

Л.Г.Артамонова томонидан солиқ органларининг назорат ишлари натижаларини баҳолашнинг самаралироқ ҳисоб-китобини таъминловчи кўшимча мезонлари билан солиқ органларининг назорат ишларини самарали баҳолаш тизими кенгайтирилиши тадқиқ этилган [6].

Т.А.Ефримова камерал назоратнинг дастурий маълумотлар базасини такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларини йирик, ўрта ва кичик гуруҳлар ҳамда солиқ турларига таснифлаш тариқасида “МАКОМАТИ” дастури орқали камерал солиқ назоратини амалга оширишни илгари сурди [7].

В.В.Трофёмов фикрича, солиқ тизимида автоматлаштирилган ахборот технологияларининг сифати ва самардорлигини ошириш, асосан, техник ва дастурий маҳсулларни ишлаш механизми ҳамда маълумотлар базасига келиб ту-

шадиган ахборотларга боғлиқ равишда такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Камерал назоратни такомиллаштириш ва самардорлигини оширишда қуйидаги вазифаларга асосланиш керак:

- солиқ хизмати тегишли идоралараро ахборот алмашинувининг тўлиқ ва узлуксиз йўлга қўйилганлиги;

- тегишли вазирлик ва идоралар томонидан маълумотлар ўз ахборот базасига мунтазам киритиб борилиши;

- солиқ хизмати органига солиққа тортишга доир зарур ахборотларнинг ўз вақтида юборилиши, белгиланган муддатлардан кечиктирилган тақдирда масъул ходимлар ва идораларнинг жавобгарлиги оширилиши [8].

Тадқиқот методологияси. Маълумотлар таҳлил қилиниб, анализ ва синтез, индукция ва дедукция методлари қўлланилди ҳамда уларга асосланган таклифлар берилди.

Таҳлил ва натижалар. Камерал солиқ назоратини Ўзбекистон Республикасида жорий этишнинг объектив зарурлиги, энг аввало, икки хил пировард мақсадни ўз ичига қамраб олади.

1. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилиги талабларининг бузилишига йўл қўймаслик ва келгусида уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган молиявий, маъмурий ва жиноий жазо чораларининг олдини олиш.

2. Солиқ тўловчилар томонидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлашдан иборат (Қарор, 2010).

И.А.Майбуrowнинг фикрича, “камерал солиқ текширувининг мақсади солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, солиқ қонунбузарликларини аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, уларнинг самардорлигини таъминлаш учун зарур маълумотларни йиғиш ва тайёрлашдир” [10].

Н.А.Попонова талқинича: “Камерал солиқ текшируви – солиқ декларацияси ва солиқ тўловчи солиқ идорасига мустақил равишда топширган ҳужжатлар, шунингдек, солиқ органида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш” [11].

Камерал солиқ текширувининг ўзига хос хусусияти шундаки, текширув истисносиз барча солиқ тўловчиларни қамраб олади. Камерал солиқ текшируви, шунингдек, солиқ органида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборот банкни шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб, бу жой солиқ текширувларини ўтказиш режасини тузиш учун асос бўлади. Камерал солиқ текшируви доирасида молиявий кўрсаткичлар ва

солиқ ҳисоб-китобларида такрорланадиган кўрсаткичларнинг мослигини таҳлил қилиш, индивидуал кўрсаткичларнинг ишончлилиги, шубҳали нуқталар ёки номувофиқликлар мавжудлиги, бузилиши тўғрисида далолат беради [12].

Е.В.Овчаров фикрича, камерал солиқ текширувининг биринчи босқичи солиқ ҳисоботларини қабул қилиш пайтида амалга оширилади ва солиқ тўловчи солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ ҳисоботини тақдим этишининг тўлиқлигини назорат қилишдан иборат. Бу назорат солиқ ҳисоботларини қабул қиладиган солиқ тўловчилар билан алоқалар бўйича мутахассис томонидан амалга оширилади [13].

В.В.Глухов мавзу доирасида “камерал солиқ текширувининг иккинчи босқичида тақдим этилган солиқ ҳисоботининг визуал назорати амалга оширилади, бу эса керакли маълумотларни тўлдиришнинг тўлиқлиги ва равшанлигини, зарур имзоларнинг мавжудлигини назарда тутлади. Шундай қилиб, ушбу текшириш даврида бўлим мутахассиси солиқ тўловчи учун солиқ декларациясини тузган солиқ тўловчилар билан ишлашга мувофиқ барча керакли реквизитлар мавжудлигини назорат қиладди: солиқ тўловчининг исми, ИНН, ҳужжат топширилган солиқ даври ва шу кабилар” деб юқоридаги фикрларнинг давомини баён қилган [14].

Ф.Исаевнинг фикрича, “камерал солиқ текширувининг асосий босқичлари қуйидаги тарзда амалга оширилиб, кейин хулосаларнинг шакллантирилиши таҳлилий маълумотларнинг сифатли бўлишини таъминлайди. Хусусан, солиқ базасини ҳисоблашнинг тўғрилигини текшириш. Ушбу босқичда солиқларнинг таҳлили ўтказилади, унга қуйидагилар киради:

- солиқ базасини ҳисоблаш учун зарур бўлган индивидуал кўрсаткичлар ўртасидаги мантиқий алоқани текшириш;

- ҳисобот маълумотларининг ўтган даврнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан солиштириш;

- бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари ва солиқ ҳисоботлари, шунингдек, солиқларнинг ҳар хил турлари бўйича ҳисоботларнинг индивидуал кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги;

- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва солиқ ҳисоботларини солиқ органларида мавжуд бўлган ҳужжалик юритувчи субъектнинг молиявий -ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларига мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолаш;

- ҳисоботлардаги маълумотларнинг арифметик ҳисоби тўғрилигини текшириш;

- талаб қилинган солиқ имтиёзларининг ҳақиқийлигини текшириш;

- қўлланиладиган солиқ ставкалари ва имтиёзларининг тўғрилигини, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

- солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилининг аъъанавий ва математик усуллари ичидан устуни ва мақбулини танлаш;

- солиқ текширувларини ўтказишда содир этилган хатоликларнинг келажақда такрорланмаслиги учун регрессион ва корреляцион таҳлил усуллари қўллаб кўриш” [15].

Энди кўриб чиқиладиган солиқ текширувининг асосий ва энг кўп текширувлар ўтказиладиган тури сайёр солиқ текширувидир. Халқаро амалиётлар асосида тадқиқотлар, меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда бу солиқ текшируви аҳамиятини кўриб чиқсак. Жумладан, Россия Федерацияси Солиқ кодексида солиқ назоратининг қуйидаги шакллари қўлланилади: солиқ текширувлари; солиқ тўловчилардан тушунтиришлар олиш; Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларини текшириш; даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган бинолар ва ҳудудларни кўздан кечириш ва кодексида назарда тутилган бошқа шакллар. Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 87-моддасида солиқ текширувининг икки тури: сайёр ва камерал солиқ текширувлари кўзда тутилган. 89-моддасида эса “сайёр солиқ текшируви ўз аксини топган. Ушбу моддага асосан сайёр солиқ текшируви солиқ тўловчининг ҳудудида (биносида) солиқ органи раҳбарининг қарорига асосан” деб эътироф этилган [16].

Солиқ назорати ва солиқ текширувининг бу турига зарурат нимадан келиб чиқди? К.В.Новоселовнинг фикрича, бу солиқ соҳасидаги кўплаб қонунбузарликлар, бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарздорликнинг мавжудлиги билан боғлиқ [17]. Д.Ю.Федотовнинг такидлашича, “Бизнинг мамлакатимизда хуфиёна иқтисодиёт миқёсининг кенглиги ва солиқ тўловларидан бўйин товлашнинг бюджет прогноз кўрсаткичлари даражасини пасайтиради” [18].

Ю.Д.Шмеловнинг эътироф этишича: “Коррупция ва порахўрлик солиққа тортиладиган даромадларнинг ҳисобга олинмаслиги билан боғлиқ, бу эса мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигида ўз аксини топади. Солиқ назорати, шу жумладан, сайёр солиқ текшируви коррупцияга қарши тура оладиган инструмент бўлиб, мавжуд муаммоларнинг ечими бўлиши ёки негатив ҳолатларни, ҳеч бўлмаганда, минималлаштириш мумкин” [19].

Халқаро амалиётда хуфиёна иқтисодиёт, коррупция ва порахўрлик, солиқ тўлашда қочиш ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида солиқ текширувлари, шу жумладан, сайёр солиқ текшируви инструментларидан кенг фойдаланилади. Ушбу амалиётнинг жаҳон амалиётида қўлланилиши 2021 йил Минскда ўтган “Солиқ ислохотларининг назарияси ва амалиёти” мавзусида ўтказилган халқаро солиқ симпозиумида ҳам алоҳида эътироф этилди [20].

Россия Федерацияси амалиётини қарайдиган бўлса, сайёр солиқ текширувлари сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. С.И.Чужмаро ва бошқаларнинг таҳлилича, сайёр солиқ текширувлари сони 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 80 %га камайган [21].

Солиқ чора-тадбирларини амалга оширишда, хусусан, жойларда солиқ текширувларини ўтказишда солиқ органлари олдида кўплаб муаммолар пайдо бўлади. Солиқ тўловчиларни «автоматлаштирилган» танлаш билан боғлиқ бўлган назорат чораларининг аниқ рўйхатини амалга ошириш ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

О.И.Кожанчиков ва бошқалар фикрича, “Солиқ текширувлари учун солиқ тўловчиларни тасодифий танлаш усулидан бутунлай воз кечиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки ундан фойдаланиш турли тоифадаги солиқ тўловчилар ўртасида солиқ интизоми ҳолатини мониторинг қилишда жуда самарали” [22].

Текширув объектларини танлашдан тартиб, уларнинг натижаларини рўйхатга олиш ва амалга оширишгача бўлган барча босқичларини ўз ичига олган назорат текширувларининг ягона комплекс якуний тартибини ишлаб чиқиш солиқ органларининг назорат ишларини ташкил этишни такомиллаштириш имконини беради. Солиқ текшируви объектларини оқилона танлаш солиқ органлари томонидан ички ва ташқи манбалардан солиқ тўловчилар тўғрисидаги турли маълумотларни, нафақат бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботларини, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан келадиган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши керак.

Бизнингча, солиқ органларида мавжуд бўлган ички ахборот манбаларини таҳлил қилиш асосида жойларда солиқ текширувларини ўтказиш бўйича ташкилотларнинг қуйидаги устувор гуруҳларини ажратиш мумкин:

- молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга якуний молиявий натижага салбий таъсир кўрсатувчи жиддий ўзгаришлар киритган ташкилотлар (“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” шакли бўйича);

- икки ва ундан ортиқ йил давомида молиявий фаолиятдан зарар кўрган солиқ тўловчилар;

- молиявий санкциялар ва пенялар ҳисобланган олдинги текшириш натижасида солиқ қонунчилигини бузган солиқ тўловчилар;

- ноль баланси ифодаловчи корхоналар;

- солиқ тўловчилар ҳисобот беришдан бўйин товлаган;

- Ўзбекистон Республикасидаги бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ имтиёзларидан фойдаланадиган ташкилотлар;

- бир неча ҳисоб-китоб, жорий, валюта ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлган ташкилотлар;

- тақдим этилган бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларининг ишончилигига шубҳа туғдираётган, аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва касса операцияларини амалга ошириш тартиби бўйича қонун ҳужжатларини бузишга йўл қўйган ташкилотлар.

Фикримизча, ушбу маълумотлар мажмуасини тизимлаштириш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тегишли солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунчилиги бузилишини аниқлаш эҳтимоли даражаси тўғрисида хулоса қилиш учун асос олиш имконини беради. Юридик шахсларни танлаш жараёнида солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишнинг кенг кўламли усулларида фойдаланиш керак: корхоналарнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари даражаси ва динамикасини ўрганиш, шунга ўхшаш корхоналардан олинган турли хил ҳисобот ва ҳисобланган кўрсаткичлар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни текшириш, молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини индивидуал ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилиги нуқтаи назаридан дастлабки баҳолаш, солиқ интизомининг мумкин бўлган бузилишини кўрсатадиган шубҳали ҳолатлар ёки номувофиқликларни аниқлаш.

Солиқ қонунчилиги бузилишини аниқлаш мақсадида солиқ солинадиган базани яширишнинг бир хил усуллари фундаментал йўналишларида шакллантирилган “Солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемалари” дастурий-ахборот комплексидан қуйидаги белгиларни таснифлаган ҳолда фойдаланиш таклиф этилади:

- муайян схемадан фойдаланиш частотаси (ёки камдан-камлиги);

- схема иштирокчиларининг таркиби;

- ушбу схема кузатилган фаолият соҳаси;

- солиқ ҳисобининг бузилган объекти;

- бюджетга зарар етказиш усуллари, шунингдек, ушбу схемани қўллаш оқибатлари;

- ушбу схемадан фойдаланган ҳолда қандай солиқларни камайтириш мумкин;

- схеманинг мураккаблик даражаси;

- схемани амалга ошириш усуллари [23].

Солиқ таваккалчилигининг муҳим мезонлари солиқ юки ва солиқ тўловчининг даромадлиги бўлиб, улар саноатнинг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланади. Шу билан бирга, солиқ юки ва рентабелликнинг ўртача саноат кўрсаткичлари солиқ қонунчилигини бузиш факти тўғрисидаги хулосани асослаш учун жиддий далил эмас, чунки ўртача тармоқ кўрсаткичлари бевосита ходимлар сони, иш ҳақи миқдори, солиқ тўловчининг фаолият тури каби омиллар

га боғлиқ. Бундан ташқари ташкилотлар субъектив сабабларга кўра кўрсаткичларнинг кескин ўсишига олиб келиши мумкин ёки аксинча, уларнинг паст даражаси ва ҳақиқий кўрсаткичларнинг тармоқдаги ўртача кўрсаткичларга тўғри келиши ҳар доим ҳам даромадларнинг камайиши ёки кўпайган харажатларнинг йўқлиги белгиси эмас.

“Халқаро амалиётда сайёр солиқ текширувларини режалаштиришда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ тўловлари даражасини акс эттирувчи ўртача тармоқ кўрсаткичларини аниқлашнинг турли усуллари кўп қўлланилади. Ушбу усулнинг мақсади потенциал объектларни аниқлашдан иборат бўлиб, уларни текшириш вақтида қонунбузарликларни аниқлаш мумкин бўлади, бу эса бюджетга энг катта миқдорда қўшимча тўловларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, АҚШ ва бозор иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатларида аудитдан олдинги таҳлил ва солиқ тўловчиларни танлаш усуллари таҳлил қилгандан сўнг, солиқ назоратининг самарадорлиги тўғридан-тўғри текшириш учун солиқ тўловчиларни автоматлаштирилган танлашдан фойдаланишга боғлиқ, деган хулосага келишим мумкин. Солиқ тўловчиларнинг ягона маъ-

лумотлар базаси ва турли кўринишдаги дастурий таъминотлар солиқ текширувлари учун зарур” [24].

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги тадқиқотлар асосида камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текшируви бўйича муаллифлик таърифини шакллантирганмиз. Бизнинг фикримизча, камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текшируви қуйидагича баён қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни:

“Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва унинг фаолияти тўғрисидаги мавжуд бошқа ахборотлар асосида солиқ органи томонидан қонунчиликка мувофиқ ўтказиладиган текширув жараёнидир”.

“Сайёр солиқ текшируви солиқ органи томонидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш соҳасида солиқ тўловчиларнинг айрим мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажариш бўйича ўтказиладиган текширув бўлиб, унда ҳисобга олиш ҳужжатларининг, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади”.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2022.
2. Wikipedia.org
3. Энциклопедия «Секрета фирмы». <https://secretmag.ru/enciklopediya/chto-takoe-kameralnaya-proverka-obyasnyayet-prostyimi-slovami.htm>
4. Камеральные проверки. https://www.nalog.gov.ru/rn77/taxation/reference_work/desk_audits/
5. Майбуrows И.А. (ed.), Гончаренко Л.И., Ильшева Н.Н. & Попов Е.В. 8-е издание переработанное и дополненное ed. – М.: ООО Издательство "Юнити-Дана", 2021. – 495 p. (Золотой фонд российских учебников)
6. Артамонова Л.Гр. “Совершенствование методов контрольной работы налоговых органов Российской Федерации” тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.10, кандидат экономических наук, ст. 25, 2010.
7. Ефремова Т.А. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. 2017. МГУ. Саранск. Стр. 366.
8. Трофимова В.В. Информационные системы и технологии в экономике и управлении. Учеб. / Под ред. – М.: Юрайт, 2011. – 624 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январда қабул қилган «Республика солиқ органилари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли қарори.
10. Майбуrows И.А. Налогообложение и налогообложение. 6-издание перевыпущено и заполнено. – М., Единство-Дана. 2015. – 487 с.
11. Попонова Н.А. Учебное пособие. / Н.А.Попонова, Г.Г.Нестеров, А.В.Терзиди. – М.: Изд-во Эксмо, 2014. С. 251. (624 с.)
12. Баташев Р.В. Камеральные налоговые проверки: результативность и проблемные аспекты реализации. // Московский экономический журнал. 12/2019. С. 14.
13. Овчаров Е.В. Ответственность налогоплательщиков по результатам налоговых проверок. Учеб. пособие. / Е.В.Овчаров. – М.: 85 Бухгалтерский учет, 2016. – 290 с. (с. 79)
14. Глухов В.В., Дольде И.В., Некрасова Т.П. Налоги. Теория и практика. – СПб., 2011. – 83 с.
15. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. № 4. С. 172-176.
16. Налоговый кодекс Российской Федерации. Статьи 82, 87, 89. 2022.
17. Новоселов К.В. Налоговый контроль как фактор экономической безопасности государства. // Инновационное развитие экономики. 2014. № 6-1. С. 17-20.
18. Федотов Д.Ю. Анализ прогнозирования налоговых доходов федерального бюджета России. // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2020. № 20. С. 23-39.
19. Шмелев Ю.Д. Налоговый контроль за расходами физических лиц как инструмент противодействия коррупции. // Финансы. 2020. № 6. С. 31-35.
20. Теория и практика налоговых реформ. // Экономическая газета. 2021.URL: <https://neg.by/novosti/otkrytj/teoriya-i-praktikanalogoivyh-reform>.

21. Чужмарова С.И., Зверева Е.Н., Чужмарова А.А. Анализ результативности выездных налоговых проверок в Российской Федерации. Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2021. (4). С. 52-60. <https://doi.org/10.18323/2221-5689-2021-4-52-60>.

22. Кожанчиков О.И., Кротова А.С., Суворова А.С. Необходимость камеральных и выездных налоговых проверок, их сравнительный анализ. // Научные исследования: проблемы и перспективы. 2020. С. 71-76.

23. Осипова Е.С. Оценка эффективности выездных налоговых проверок: методика и показатели. // Налоги. 2020. №. 5. С. 31-35.

24. Малис Н.И. Теория и практика налогообложения. Учебник. / Н.И.Малис, И.В.Горский, С.А.Анисимов; под ред. Н.И.Малис. – М.: Магистр; Инфра-М, 2019.

25. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.

26. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.

27. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ҚОЧИШДА ТАҲЛИКА-ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Файзийев Орифжон Олимович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
мустақил тадқиқотчи

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a52

Аннотация. Мазкур мақолада солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш бўйича таҳлика-таҳлил методикасидан фойдаланиш бўйича тадқиқот олиб борилган, таҳлика-таҳлилнинг хоризж тажрибаси ўрганилган, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АНАЛИТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ПРИ УКЛОНЕНИИ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ

Файзиев Орифжон Олимович -

Ташкентский государственный экономический
университет, независимый исследователь

Аннотация. В данной статье широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и передовых автоматизированных методов анализа в процесс налогового администрирования обеспечивает всестороннюю помощь налогоплательщикам в исполнении их налоговых обязательств и разработку эффективных механизмов профилактики налоговых правонарушений, как а также анализ анализа налоговых рисков и оценка результатов проведены исследования по использованию методика, изучен зарубежный опыт анализа рисков и сформулированы научно-практические выводы и предложения по ее применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

WAYS TO USE ANALYTICAL TECHNIQUES IN TAX EVASION

Fayziyev Orifjon Olimovich -

Tashkent State University of Economics,
independent researcher

Annotation. In this article, the widespread introduction of modern information and communication technologies and advanced automated analysis methods in the process of tax administration provides comprehensive assistance to taxpayers in fulfilling their tax obligations and the development of effective mechanisms for the prevention of tax offenses, as well as an analysis of the analysis of tax risks and evaluation of the results. on the use of the methodology, studied foreign experience in risk analysis and formed scientific and practical conclusions and proposals for its application in our country.

Keywords: tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax incentives, tax rate.